

белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарни сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичидан сотувчини хабардор қиласди.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

#### **4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидағина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари, белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

#### **5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбор тараф иккинчи тарафга етказилган зарапни тўлиқ коплади ва қуидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товарни қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбор тараф товар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди:

5.4. Шартноманинг 3.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди:

5.5. Товар ҳакини ўз вактида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб оловчи ҳар бир кечиктирилган куни тўламаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдори ўзининг маҳсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.

#### **6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

6.1. Мазкур шартнома Газначилик рўйхатидан ўтганидан сўнг қонуний кучга киради хамда 2022 йил «30» январгача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофик;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

#### **7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ**

7.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Бюджет кодекси»нинг 12 моддаси хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сони қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисоби капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Газначиликда рўйхатга олиниши шартли ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

#### **8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўзбекистон Республика кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий база тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиб олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий база тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибida ҳал қилинади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмагандан эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

#### **9. БОШҚА ШАРТЛАР**

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.